

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Янги Қонун кучга кирди

СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА



Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланган фаолият эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабдан ҳам мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда суғурта фаолияти субъектларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг таъбири билан айтганда «... иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнида тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас»¹.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда бугун 30 та суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Масалан, 2003 йилда суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари 27,1 млрд сўми, суғурта товони 2,7 млрд сўми, устав капиталларининг жами миқдори 4,9 млрд сўми ташкил қилган бўлса, 2008 йилнинг тўққиз ойида суғурта мукофотлари 64,1 млрд сўми, суғурта товони 8,3 млрд сўми, устав капиталларининг миқдори эса жами 38,3 млрд сўми ташкил этган. Бундан ташқари, 2007 йил давомида республика бўйича 8 621 812 та суғурта шартномалари тузилган. Албатта, мазкур рақамлар мамлакатимизда суғурта бозорини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий база йилдан-йилга такомиллашиб, суғурта фаолияти субъектларининг иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мазкур фаолиятнинг қонунчилик пойдеворини мустаҳкамлашда яна бир муҳим кадам бўлди.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон қарори асосида (кейинги ўринларда қарор) ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилгандир. Бу ўринда мазкур Қонун билан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади:

биринчидан, маълумки, номи юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг 3-бандида суғурталовчилар, яъни мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачилари дейилганда биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорларида брокерлик ва/ёки дилерлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахс тушунилади.

Брокер дейилганда эса «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, воситачилик ёки топшириқ шартномаси ёхуд миқознинг воситачиси ёки ишончли вакили сифатида қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш учун берилган ишончнома асосида иш олиб борувчи юридик шахс тушунилади, дилер дейилганда эса қимматли қоғозларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш нархини ошқора эълон қилиш орқали ушбу қимматли қоғозларни ўзи эълон қилган нархларда сотиб олиш ва (ёки) сотиш мажбурияти билан ўз номидан ҳамда ўз ҳисобидан қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари тузувчи юридик шахс тушунилади.

Иккинчидан, юқорида таъкидлаб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг 3-банди билан суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланиши (сайланиши) ҳақидаги тартиб ўрнатилди. Ва бу билан нафақат суғурталовчи ёки унинг бош бухгалтерига бўлган талаблар, балки «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланган суғурта брокери ва унинг бош бухгалтерининг ўз фаолиятларида масъулиятини ошириш мақсадида уларга бўлган талабларни махсус ваколатли орган белгилайдиган тартиб ўрнатилди. Ушбу белгиланган тартиб-қоидалардан келиб чиқиб, Қонуннинг махсус ваколатли органнинг ваколатлари назарда тутилган 10-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисига тегишли ўзгартишлар киритилди. Мазкур тартибнинг Франция, Чехия, Руминия, Қозоғистон ва Беларусь Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Бу ўринда суғурталовчи ва суғурта брокери раҳбари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларига қандай малака талаблари белгиланиши мумкин? деган савол туғилиши табиийдир. Хусусан, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомда (Адлия вазирлигида 2008 йил 18 июнда 1827-сон билан рўйхатга олинган) уларга қўйиладиган малака талаблари белгиланган. Унга кўра, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари бу қонун ҳужжатлари ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатлари мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органи устидан бошқарилган жисмоний шахс ҳисобланиб, унга нисбатан қуйидаги малака

талаблари ўрнатилгандир:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатлари мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агентни сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажига ҳисобга олинмайди).

Шунингдек, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтерининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларнинг оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс тушунилади, у қуйидаги малака талабларига жавоб бериши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатлари мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан тайинланадиган раҳбарларига мазкур Низом талаблари татбиқ этилмайди.

Учинчидан, юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг 3-банди орқали суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларини, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима белгиланган тартибда солиниши ва

3-бетда

УШБУ
СОҒИДА

2-бет

Илмий-амалий қўлланма
босмадан чикди

\$1 = 1388,51 сўм

3-бет

Қонунчиликдаги
янги ҳужжатлар

€1 = 1940,30

6-11 бетлар

Низолар судда
ҳал этилади

£1 = 2070,41 сўм

7-10-бетлар

Янги қонун
ҳужжатлари

¥10 = 153,97 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенство секретно

ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ

Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолига етказиш муҳим ўрин тутди.



Шубҳасизки, иқтисодиёт, сиёсат, шунингдек суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган барча ислоҳот ва тадбирлардан кўзланган мақсад битта – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қулай турмуш шароитини яратиш, ҳаёт тарзи даражасини узлуксиз яхшилаб бориш, жамиятнинг ҳар бир фуқаросига ўз интеллектуал салоҳиятини, амалий ва назарий билимларини рўёбга чиқаришига шароит яратишдан иборат. Зеро, миллий қонунчилигимиз тизимининг изчил ривожланиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Ҳуқуқий маданиятнинг давлат сиёсати даражасида устувор қўйилиши ҳам миллий истиқлол ғоясининг ҳаётбахшигидан далолат беради. Ҳуқуқий маданият шахснинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан «Янги қонунлар моҳияти» – «Сущность новых законов» номли илмий-амалий қўлланма нашр этилди.

Мазкур илмий-амалий қўлланма еттита бобдан иборат бўлиб, у ўз ичига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида маъқулланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи таҳлилий мақолаларни олган.

Ушбу қўлланма янги қонунларни тарғиб қилишга, унинг мазмунини аҳолига, айниқса ёшларга етказишга, қолаверса мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини теран англашга ҳамда жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнларини тезлаштиришга ёрдам беради.

Нуриддин НАРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти гуруҳ раҳбари.

РЕКЛАМА



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари бўйича ХУДУДИЙ ВАКИЛ

лавозимларига танлов эълон қилинади

(ҳар бир вилоят бўйича 3-6 тадан штат бирлиги).

• **Меҳнат ҳақи:** ишбай (иш ҳақи + тушумдан %).

• **Мансаб вазифалари:** электрон маълумотлар базасининг бўлажак фойдаланувчилари билан музокаралар олиб бориш; мавжуд корпоратив фойдаланувчиларнинг базалари билан ишлаш; шартномалар тузиш, уларни расмийлаштириш, шартномаларнинг ижросини назорат қилиш.

• **Номзодларга қўйиладиган талаблар:** компьютердан фойдаланишни яхши билиши, ҳаракатчан ва ўз фикрини тушунтира оладиган бўлиши, янги иш услубларини тез ўзлаштира олиши лозим.

Номзод бакалавр даражасидан паст бўлмаган олий маълумотга эга бўлиши керак. Магистратурада ва бакалавриятнинг охириги курсида таълим олаётган талабалар ҳам танловда иштирок этишлари мумкин.

Электрон ахборот-қидирув тизимларидан фойдаланиш тажрибасига эга бўлганлар танловда имтиёзга эга бўладилар.

Номзодингизни ўрганиб чиқишимиз учун ўзингиз ҳақингиздаги маълумотни (резюме-ни) компаниянинг e-mail: vakant@norma.uz электрон манзилига юборишингиз ёки **Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, шарқий тараф, 10а-уй, 2-қаватдаги** компания офисига топширишингиз керак.

• **Резюмеда қисқача куйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:** Ф.И.Ш., туғилган йилингиз, маълумотингиз, олий ўқув юртининг номи ва мутахассислигингиз, иш тажрибангиз, ишламоқчи бўлган вилоятингиз, манзилингиз, боғланиш учун телефон ва Сизнинг фикрингизча ишга жойлашишда аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўладиган қўшимча маълумотлар.


• **Резюмени топшириш муддати:** 2009 йилнинг 2 февралигача.

Ишга қабул қилиш танлов асосида, яъни тест ва суҳбат натижаларига қараб амалга оширилади. Суҳбат ўтказиш вақти тўғрисида номзодларга қўшимча равишда маълум қилинади. Ишга қабул қилинган ходимлар компания бош офисидида, маош тўланган ҳолда, амалиёт ўтайдилар.

Мурожаат учун телефон: 237 07 78, факс 237 45 29

Зироат Якубова (кадрлар бўлими).

Диққат!



Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми? Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?

У ҳолда Давлат солиқ кўмитаси таклиф этаётган «Интерактив хизмат кўрсатиш» тизимидан фойдаланинг!

Тизимнинг имкониятлари:

- солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
- шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
- тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида soliq.uz ёки hisobot.soliq.uz сайтнинг «Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади. Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.

Маълумотлар учун телефон:
244-97-64, 244-97-66.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 23 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	945,99	1 Малайзия ринггити	399,00
1 Англия фунт стерлинги	2070,41	1 Польша злотийси	475,03
1 Дания кронаси	260,59	1 СДР	2145,26
1 БАА дирҳами	378,08	1 Туркия лираси	914,09
1 АҚШ доллари	1388,51	1 Швейцария франки	1259,42
1 Миср фунти	252,23	1 ЕВРО	1940,30
1 Исландия кронаси	11,43	10 Жанубий Корея вони	10,70
1 Канада доллари	1144,69	10 Япония иенаси	153,97
1 Хитой юани	202,87	1 Россия рубли	50,06
		1 Украина гривнаси	176,23

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.12.2008	1	0,8022	1	1,1197	1	0,0283
Арманистон	24.12.2008	1	308,35	1	431,35	1	10,77
Беларусь	25.12.2008	1	2200,00	1	3077,14	1	76,89
Грузия	24.12.2008	1	1,662	1	2,3205	1	0,0587
Қозоғистон	25.12.2008	1	120,70	1	168,88	1	4,22
Қирғизистон	20.12.2008	1	39,40	1	56,2179	1	1,4206
Латвия	29.12.2008	1	0,502	1	0,702804	1	0,0177
Литва	29.12.2008	1	2,4729	1	3,4528	10	8,6443
Молдова	24.12.2008	1	10,4066	1	14,5594	1	0,367
Тожикистон	24.12.2008	1	3,4198	1	4,721	10	1,2415
Ўзбекистон	23.12.2008	1	1388,51	1	1940,30	1	50,06
Украина	24.12.2008	100	779,00	100	1088,8862	10	2,7492
Эстония	24.12.2008	1	11,209	1	15,6466	1	0,394739

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўлида
- Янги қонунлар моҳияти
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-3-бетлар**

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

- Биргаликдаги фаолият: ҳисоб муаммолари **4-бет**

• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Неча марта жавоб бериш керак?
- Шу тўғрими?.. **5-бет**

• ҲУҚУҚ МАЙДОНИДА

- Муаммолар НКМлар сониди эмас
- Жазо ҳам ҳуқуқбузарликка қараб **6, 11-бетлар**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг

қонунлари:

- «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»;
- «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:

- «Хавфли ишлаб чиқариш объектиларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида».

Идоравий-меъёрий ҳужжат:


- ЎзР Давлат статистика кўмитасининг «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. **7-10-бетлар**

• ТҚР **12-16-бетлар**

СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

1-бегда жарима суммаси республика бюджетига ўтказилиши ҳақидаги тартиб ўрнатилгандир. Ушбу тартибга асосан Қонунда махсус ваколатли органнинг ваколатлари белгиланган 10-моддасига мазкур ўрнатилган тартибни қўллашни назарда тутувчи тегишли қўшимчалар киритилди. Мазкур тартибнинг белгиланиши, ўз навбатида, суғурталовчиларнинг суғурта хизмати истеъмолчилари олдидagi масъулиятини ошириб, мижозлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига, ўз фаолиятлари давомида

долларига тенг бўлган сумма белгилангандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон қарори билан суғурталовчиларнинг аввало мижоз олдидagi масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар



қонун ҳужжатлари, хусусан тўлов қобилияти нормативларини бузмасдан амалга оширишларини таъминлашга хизмат қилади. Махсус ваколатли орган томонидан бу каби жарима қўллаш ваколати Франция, Япония, Россия, Чехия, Руминия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаларининг қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилгандир. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан тўлов қобилияти нормативларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (Адлиа ва зирлигида 2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатга олинган) билан тартибга солингандир. Унга кўра, суғурталовчилар томонидан тўлов қобилияти нормативларини бузганлиги, суғурталовчилар активларини жойлаштиришга оид талабларга риоя қилинмаганлиги, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилмаганлиги, суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини бузганлиги, суғурта агентлари тўғрисидаги низом талабларини бузганлиги, ҳисоботларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилмаганлиги учун жарималар қўлланилиши белгилангандир. Кези келганда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарори билан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорлари: - умумий суғурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун - 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; - ҳаёти суғурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун - 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; - мажбурий суғурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун - 1 000 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; - фақат қайта суғурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун - 3 000 минг АҚШ

уқун устав капиталининг энг кам миқдорлари ўрнатилган: а) умумий суғурта соҳасида - 750 минг еврога эквивалент суммада; б) ҳаёти суғурта қилиш соҳасида - 1 000 минг еврога эквивалент суммада; в) мажбурий суғурта бўйича - 1 500 минг еврога эквивалент суммада; г) фақат қайта суғурта қилиш бўйича - 4 000 минг еврога эквивалент суммада. Тўртинчидан, маълумки, Қонуннинг амалдаги 12-моддасида суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган эди. Аммо, ҳозирги вақтда уларнинг устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган ПҚ-618-сон ҳамда «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 21 майда қабул қилинган ПҚ-872-сон қарорлари билан белгиланганлигини ҳисобга олиб, 12-моддага тегишли ўзгартиш киритиш билан устав фондининг энг кам миқдори эндиликда қонун ҳужжатларига асосан белгиланиши назарда тутилди. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш ва тақомиллаштириш ҳамда сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестиция жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга бевосита хизмат қилади, десак муболага бўлмайди. Тўлқин НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

РЕКЛАМА



TAKLOG
MULTICARGO
SPEDITION

Мақбул нархлар бўйича сифатли халқаро юк ташишлар!



Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 45/1. Тел./факс + 998 71 2334299. E-mail: tashkent@taklog.com www.taklog.de

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ННТ УЧУН ЖАМОАТ ФОНДИ
2008 йил 17 декабрдаги ЎРҚ-191-сон Қонун билан 2007 йил 3 январдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ЎРҚ-76-сон Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Уларга кўра Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Эндиликда нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Вазирлар Маҳкамаси эмас, балки Парламент комиссияси томонидан белгиланади.
Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 18 декабрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

уқун қўшимча йиғим ставкаси белгиланди:
Тожикистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун - 50 АҚШ доллари;
Туркменистоннинг автотранспорт воситалари учун:
а) 10 тоннагача юк кўтаридиган юк автотранспорт воситалари учун - 20 АҚШ доллари; 10 тонна ва 10 тоннадан ортиқ юк кўтаридиган юк автотранспорт воситалари учун - 30 АҚШ доллари;
б) ўтириш жойлари 12 та ўриндикдан кам бўлган автобуслар учун - 20 АҚШ доллари; 12 та ва ундан ортиқ ўриндикли автобуслар учун - 30 АҚШ доллари;
бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун - 100 АҚШ доллари. Бунда қўшимча йиғим Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида фойдаланганлиги учун ушбу давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан йиғимлар ва тўловлар қўлланилмаслигини назарда тутадиган халқаро шартномалар тузган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланилмайди. Белгиланишича, кирганлиги ва транзит ўтиши учун ҳар бир хорижий автотранспорт воситасидан олинган қўшимча йиғимни тўлаш Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бўлимлари орқали Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисобрақамига ўтказилади. Шунингдек Тожикистон Республикасининг юк автотранспорт воситаси ва автобуслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 3 суткадан ортиқ бўлганда ҳар бир кун учун - 70 АҚШ доллари миқдорига йиғим ставкаси белгиланди (8 суткадан ортиқ бўлганда ҳар бир кун учун - 50 АҚШ доллари ўрнига).



МИКРОКРЕДИТ УЧУН ЯНГИ ФОИЗЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги 273-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 78-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қарор билан тасдиқланган Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом ўзининг вақтинчалик мақомини йўқотди, шу муносабат билан ундан «вақтинчалик» сўзи чиқариб ташланди. Шунингдек белгиланишича, бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредит йилига энди 5 фоизлик эмас, балки 3 фоизлик ставка бўйича берилади. Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига) Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда берилади. Шунингдек ҳужжатни Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4051-сон Фармонида мувофиқлаштирадиган бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

ХОРИЖИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ҚЎШИМЧА ЙИГИМ

Вазирлар Маҳкамаси 2008 йил 17 декабрда «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада тақомиллаштириш тўғрисида» 274-сон қарор қабул қилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). 2009 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобуслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши

ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма қарори билан (АВ томонидан 2008 йил 13 декабрда 1845-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 2008 йил 23 декабрдан кучга кирди.

СТАТИСТИК ҲИСОБОТНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ

Давлат статистика қўмитасининг қарори билан 2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари, тасдиқланди (АВ томонидан 2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Қарор билан тасдиқланган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари - 2008 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари - 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилади. 2008 йил 23 декабрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 13 декабрдан 19 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 51-сонидан тейёрланди.

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

БИРГАЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ: ҲИСОБ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Биргаликдаги фаолиятда ҳисоб бўйича миллий стандартни ишлаб чиқаётганда 31-сон МҲХС «Биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш» (бундан кейин – 31-сон МҲХС, стандарт) асос учун қабул қилиниши мумкин. Айтиш жоизки, МДҲнинг кўп мамлакатлари айна шундай қиладилар ҳам: бухгалтерия ҳисоби бўйича ўз стандартлари ёки қоидаларини ишлаб чиқаётганда МҲХСни асос сифатида олиб, ўз фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган қоидалар билан тўлдирдилар. Мисол сифатида Россияда қабул қилинган 20/03-сон БҲҚ «Биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш тўғрисидаги ахборот»ни келтириш мумкин.

31-сон МҲХСга кўра биргаликдаги фаолият икки ёки ундан кўп тараф уни биргаликда назорат қилиш шарти билан иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган шартномавий келишувдир. Назорат – улар фаолиятдан наф олиш мақсадида ташкилотларнинг молиявий ва тезкор сийёсатини аниқлаш ҳуқуқи. Биргаликдаги назорат биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ иқтисодий фаолият устидан назоратни тақсимлаш имкониятини тақозо этади. У фақат бундай фаолият билан боғлиқ стратегик, молиявий ва операция қарорлар улар ўртасида назорат тақсимланган тарафларнинг умумий розилигини талаб қиладиган ҳоллардагина мавжуд бўлади.

Стандарт биргаликдаги фаолият тўғрисидаги келишув қуйидаги шартларни акс эттирган ҳолда ёзма шаклда расмийлаштирилиши кераклигини тақозо қилади, яъни:

- фаолият тури, муддати ва ҳисоботлари;
- бошқарув органини тайинлаш ва овоз бериш ҳуқуқи;
- тарафларнинг биргаликдаги фаолиятга бадаллари (қўшма корхонанинг капитали);
- биргаликдаги фаолият (қўшма корхона) маҳсулоти, фойдалари, харажатлари ёки натижаларини тарафлар ўртасида тақсимлаш тартиби.

31-сон МҲХС биргаликдаги фаолиятнинг уч шаклини ажратади:

- биргаликда назорат қилинувчи операциялар;
- биргаликда назорат қилинувчи активлар;
- биргаликда назорат қилинувчи ташкилотлар.

Биргаликда назорат қилинувчи операциялар – уларнинг боришида биргаликдаги фаолият (БФ) иштирокчиларининг активлари ва бошқа ресурслари ишлатиладиган операциялар. Ҳар бир иштирокчида ўз харажатлари ва мажбуриятлари бўлади ҳамда ўзини ўзи молиялайди. Ушбу операциялар ширкат ёки иштирокчиларнинг ўзларидан алоҳида бўлган бошқа ташкилотни барпо этмасдан амалга оширилади. Масалан, икки иштирокчи самолёт ишлаб чиқариш ва сотиш учун ўз ресурслари ҳамда тажрибаларини бирлаштиради. Ҳар бир иштирокчи ишлаб чиқариш жараёнининг ўз қисмини амалга оширади, ўз харажатларини қилади ва шартномавий келишувга мувофиқ самолётни сотишдан тушумнинг ўзига тегишли улушини олади. Ҳар бир иштирокчи молиявий ҳисоботнинг алоҳида шаклларида қуйидагиларни эътироф этади:

– у назорат қиладиган активлар ва ўз зиммасига оладиган мажбуриятлар;

– ўзи қиладиган харажатлар ва биргаликдаги фаолият натижасида оладиган даромадлардаги ўз улуши.

БФнинг иккинчи шаклида иштирокчилар биргаликдаги фаолият манфаатларини кўлаб киритилган ёки олинган активларга биргаликда эгаллик қиладилар (биргаликда назорат қиладилар). Ҳар бир иштирокчи БФ маҳсулотидан улуш олиши мумкин ва ҳар бир иштирокчи харажатларнинг назарда тутилган қисмини амалга оширади. БФнинг мазкур шакли ҳам иштирокчиларнинг ўзларидан алоҳида бўлган янги ташкилот барпо этилишини талаб қилмайди. Масалан, икки иштирокчи биргаликда бинони назорат қиладилар. Ҳар бир тараф ижара ҳақининг бир қисмини олади, харажатлар бир қисмини кўтаради. Ўзининг молиявий ҳисоботида ҳар бир иштирокчи:

- биргаликда назорат қилинаётган активлардаги ўз улушини ўз фаолиятида (инвестициялар сифатида эмас);
- қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлар ва БФдаги мажбуриятларнинг ўз улушини;
- БФдан олинган ҳар қандай фойда, БФга харажатларнинг ўз улуши ва БФ бўйича ҳар қандай ўз харажатларини эътироф этиши керак.

БФнинг «Биргаликда назорат қилинадиган ташкилотлар» шакли ҳар бир иштирокчи иштирок этишининг ўз улушига эга бўладиган мустақил компания барпо этишни тақозо қилади. Мустақил компаниянинг иқтисодий фаолиятини иштирокчилар биргаликда назорат қиладилар. Биргаликда назорат қилинадиган ташкилот БФ активларини назорат қилади, мажбуриятлар қабул қилади, харажатлар қилади, фойда олади, ўз номидан шартномалар тузади ва молияланади, ўзининг алоҳида балансида ҳисоб юритади, молиявий ҳисоботни тузади ва тақдим этади. **Биргаликда назорат қилинадиган ташкилотнинг** иштирокчилари (муассислари) ўз ҳиссаларини биргаликда назорат қилинадиган ташкилотга инвестициялар сифатида акс эттиришлари керак.

31-сон МҲХС бўйича биргаликдаги фаолият уч шакли фарқлари қуйидаги жадвалда келтирилади:



Охири. Боши «СБХ»нинг 51 (751)-сониди.

Асосий тавсифлар	Биргаликда назорат қилинувчи операциялар	Биргаликда назорат қилинувчи активлар	Биргаликда назорат қилинувчи ташкилотлар
Алоҳида балансининг мавжудлиги	Йўқ	Йўқ	Ҳа
Ҳиссанинг ҳақиқатда киритилиши	Йўқ	Йўқ	Ҳа
Ҳиссани шартли киритиш	Ҳа	Ҳа	Йўқ
Харажатлар, кучгайратларни бирлаштириш	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Ҳар бир иштирокчи томонидан даромадлар ва харажатларда ўз улушининг ҳисоби юритилиши	Ҳа	Ҳа	Йўқ
Умуман шартнома бўйича даромадлар ва харажатларнинг алоҳида ҳисобини юритиш	Йўқ	Йўқ	Ҳа
Биргаликдаги харажатларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш	Йўқ	Ҳа	Йўқ
Олинган даромадни тақсимлаш	Ҳа	Ҳа	Йўқ
Молиявий натижани тақсимлаш	Йўқ	Йўқ	Ҳа

Стандарт БФ иштирокчилари томонидан консолидацияланган молиявий ҳисобот тузилаётганда биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушини мутаносиб консолидациялаш усули ёки муқобил усул – улушли иштирок этиш усули бўйича акс эттиришга йўл қўяди.

БАРТАРАФ ЭТИЛАДИГАН ЗИДДИЯТЛАР

Биргаликдаги фаолиятдаги ҳисоб бўйича БҲМС қабул қилиш учун барча асослар мавжуддек: ҳуқуқий конструкция мавжуд, биргаликдаги фаолиятга солиқ солишда позициялар аниқланган, биргаликдаги фаолият бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тақдим этишни халқаро миқёсда ҳал қилиш амалиёти мавжуд. Бироқ амалда буларнинг ҳаммаси унчалик осон эмаслиги маълум бўлди.

● Биргаликдаги фаолият тушунчаси таърифланаётганда атамалар бир-бирига номувофиқ. МҲХС бўйича БФ асосида биргаликдаги назорат ётади, бунда унинг фаолиятдан наф олиш мақсадида ташкилот молиявий ва ҳўжалик сийёсатини бошқариш (белгилаш) имконияти (ҳуқуқи) тушунилади. Фуқаролик кодекси (ФК) «назорат» ёки «биргаликдаги назорат» таърифини қўлламайди. Солиқ кодекси (СК) ҳам. Чамаси, ана шу сабабга кўра россиялик қонун чиқарувчилар ўзларининг 20/03-БҲҚда «назорат қилинувчи» сўзларини «биргаликда амалга оширилувчи ёки фойдаланилувчи» сўзлари билан алмаштирганлар. Бизда ҳам, Россияда ҳам бу каби аънавий ёндашувда иқтисодий мазмун билан ҳуқуқий шакл ўртасидаги қандайдир бирликдан (кўпинча ҳуқуқий шаклнинг устуворлигидан) келиб чиқилди. Иқтисодий мазмуннинг ҳуқуқий шаклдан устуворлиги МҲХСда негиз бўлувчи принциплардан биридир. Яъни МҲХС бир қадар даражагача субъект ҳўжалик фаолиятининг у ёки бу далили қандай ҳуқуқий шаклга мансублигини унутишни тавсия қилади. Фақат у иқтисодий нуктаи назардан ўзини намоён қилиши мумкин, шундан келиб чиқиб ҳисоботда тақдим этилади. Бироқ бунда бухгалтерия ҳуқуқ институтлари ва категорияларидан фойдаланиб келганлиги ва фойдаланишда давом этиши тушунарли. Бироқ бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиёти шундай тус оляптики, бунда бухгалтерия ўзининг жуда кўп ўзига хос тушунчалари ва категорияларига эга бўлган, етарлиқ алоҳида тизимга айланиб бормоқда. Ҳатто аънага кўра фуқаролик қонун ҳужжатларида фойдаланилаётган тушунчалар мажмуи ҳам МҲХСда мутлақо бошқача мазмунга эга бўлиши мумкин.

Атамаларнинг номукамаллигини қайд этиш мумкин, чунки ўз семантикасида таърифланаётган тушунчаларга бир маънодаги кўрсатмалар йўқ. Масалан, биргаликда амалга оширилаётган ҳар қандай фаолият операцияларни биргаликда амалга ошириш (ҳеч қандай операцияларни амалга оширмасдан туриб бирор нарса қилиб бўлмайди) деб ҳам, активлардан биргаликда фойдаланиш (активлардан фойдаланмасдан туриб бирор нарса қилиш мумкин эмас) деб ҳам тавсифланади.

● МҲХС бўйича биргаликдаги фаолиятнинг қайси шакли ФК бўйича (бинобарин СК бўйича ҳам) оддий ширкат шартномасига мувофиқ келади? Тамомила равшанки, учинчи шакл (биргаликда назорат қилинувчи компаниялар) оддий ширкат шартномасига кўра биргаликдаги фаолият мезонларига жавоб бермайди. ФКда оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширилади деб белгиланган. Дарвоқе, россиялик қонун чиқарувчилар ўзларининг 20/03-БҲҚга 3-шакл («биргаликда назорат қилинувчи ташкилот») ўрнига «оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият» тушунчасини киритганлар. МҲХС бўйича биргаликдаги фаолиятнинг дастлабки икки шакли (биргаликда назорат қилинувчи операциялар ва биргаликда назорат қилинувчи активлар) оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият мезонларига мувофиқ келади. СКнинг оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият ҳисобини ташкил этиш ва юритишга нисбатан ҳам талабларини ҳисобга олганда, БФ солиқ ҳисобини юритиш зарурати вужудга келади. 31-сон МҲХСда биргаликдаги фаолиятни алоҳида ҳисобга олиш бўйича талаблар мавжуд эмас. МҲХС ҳар бир иштирокчи ўз балансида БФ ҳисобини юритиши керак деб билади. Иштирокчилар биргаликдаги фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш учун бошқарув ҳисоб-варақларини тузишлари мумкин.

● Оддий ширкат шартномаси БФда иштирокчилар ҳиссасининг бўлишини тақозо этади. Ҳисобда умумқабул қилинган «ҳисса» тушунчаси ташкилотларнинг устав капиталига ҳисса билан боғланган. Биргаликдаги фаолиятда мол-мулк иштирокчилар томонидан БФга ҳисса сифатида ҳам берилди, бироқ улар ҳар бирининг балансида ҳисобда қолади. Бу ҳиссани ҳисобда қандай акс эттириш керак – 06 (58)-ҳисобварақларда инвестициялар сифатида ёки ўша ҳисобварақларда мол-мулкни ҳисобга олишдами? МҲХС БФга нисбатан «ҳисса» атамасини қўлламайди (у фақат 3-шаклда – биргаликда назорат қилинувчи ташкилотда вужудга келади, бу шакл, юқорида қайд этилганидек, оддий ширкат шартномаси мезонларига жавоб бермайди).

БФга ҳисса бўйича юзага келадиган бошқа савол ҳисса деганда умумий ишга киритиладиган барча нарса эътироф этилиши билан боғлиқ. Яъни киритиладиган ҳиссалар рўйхати чекланмаган бўлиши мумкин. Асосийси – ширкат бошқа иштирокчиларнинг розилигини олиш. Ана шунда улуш сифатида, масалан, ускуналардан фойдаланиш, маҳсулотга ишлов бериш ва уни ишлаб чиқариш бўйича бўлғуси харажатларни эътироф этиш мумкин, яъни биргаликдаги фаолиятга ҳиссаларни БФни амалга ошириш давомида ҳам киритиш мумкин. Улар БФга бошланғич эмас, балки жорий ҳиссалар бўлади. Бундай ҳиссаларнинг қиймати монтаж қилиш ва фойдаланиш харажатлари, моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий сугурта харажатлари ва бошқалардан келиб чиқиб баҳолаши мумкин. Қилинган харажатлар даромаднинг белгиланган улушини (тайёр маҳсулот бир қисми ва бошқаларни) олиш билан компенсацияланади. БФга ҳиссаларнинг бундай улушларини эътироф этиш мумкинми? Агар шериклар шартномаси буни назарда тутса, эҳтимол, мумкиндир. Бироқ бу борада бошқа далил-исбот ҳам кўрсатилиши мумкин: оддий ширкат мол-мулк, маблағларни бирлаштиришни тақозо этади, бироқ ҳеч қачон ишларни (бўлғуси харажатларни) бирлаштирмайди. Харажатлар БФ маблағларидан қопланиши керак. Эҳтимол, айна шу сабабга 20/03-БҲҚ 31-сон МҲХС бўйича биргаликдаги фаолиятнинг дастлабки икки турини оддий ширкат шартномаси бўйича амалга ошириладиган фаолиятлар деб ҳисобламас (ҳисса бўлмас – оддий ширкат ҳам мавжуд бўлмайди).

БФга ҳиссани ҳисобга олишдаги яна бир муаммо бухгалтерия ҳисоби нуктаи назардан олганда «ушлаб бўлмайди» активлар кўринишидаги ҳиссалар, яъни ходимларнинг амалий алоқалари, билимлари, кўникмалари ва маҳоратлари қиймати баҳолаш ва уларни ҳисобда акс эттириш билан боғланган.

● СКнинг солиқ солишда умумқабул қилинган «харажатлар» атамасидан чекланганлиги мақоланинг аввалги қисмида қайд этилган эди: БФ иштирокчилари ўртасида даромад тақсимланади, у СК бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум билан биргаликдаги фаолиятга оддий ширкат шартномасининг барча шериклари (иштирокчилари) томонидан қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Бироқ бунда «биргаликдаги фаолиятга қўйилган маблағлар суммаси» «биргаликдаги фаолият бўйича харажатлар»дан нимаси билан фарқланиши тушунирилмаган.

● БФ бўйича алоҳида ҳисоб, ҳужжатлар айланиши, шу жумладан ички ҳисоботни ташкил этиш ва юритиш масалалари ҳам муаммолидир.

Юқорида баён этилганларнинг барчасидан шундай ҳулосалар чиқариш мумкин:

- биргаликдаги фаолиятда ҳисоб бўйича янги БҲМС иқтисодий мазмуннинг ҳуқуқий шаклдан устуворлиги принципини амалга ошириб, биргаликдаги фаолиятга, «биргаликдаги фаолият» тушунчасига янги иқтисодий назарни жорий этиши мумкин, улар оддий ширкатнинг ҳуқуқий конструкциясидан анча кенгдир. Оддий ширкат, моҳиятга кўра, шерикларнинг энг чамбарчас кооперациясини тавсифловчи биргаликдаги фаолият турларидан биридир. Бироқ бу биргаликдаги фаолиятнинг бошқа турларини истисно қилмайгина қолмай, балки, аксинча, уларни эътироф этиши ҳам тақозо этади, уларнинг мавжуд бўлиши умумий иш иштирокчиларига биргаликда фойдаланиладиган мол-мулкни умумлаштирмаслик, алоҳида баланс юритмаслик, умумий натижаларини ҳиссалар қийматида катъи назар тақсимлаш ва ҳоказолар имконини берувчи диспозитив меъёрларнинг борлигига асосланади;

– раҳбарлар, бухгалтерлар ва ҳатто қонун чиқарувчиларда БФга нисбатан муайян андоза шакланган, унга кўра биргаликдаги фаолият фақат оддий ширкат шартномаси шаклида амалга оширилиши мумкин. Ушбу ёндашув БФни солиқ ёрдамида тартибга солиш тизимига қўйилган. Биргаликдаги фаолиятнинг бошқа шакллари учун (оддий ширкат шаклида эмас) махсус солиқ режимининг йўқлиги улар кенг тарқалишига тўсқинлик қилувчи жиддий омилдир. Тадбиркорлар муайян солиқ солиш татбиқ этиладиган машҳур конструкцияни афзал кўрадилар. Бинобарин, агар БҲМС ФК ва СК меъёрлари белгилаган, гарчи улар биргаликдаги фаолиятни кенг тушуниришга мўлжалланмаган бўлса-да, муносабатларини акс эттириш, яъни бўлади (амалий тушунишда).

Лидия ЮГАЙ,
БМТРД «Давлат молияси ислоҳоти»
лойиҳасининг эксперти.

Таҳририятдан: Биргаликдаги фаолиятда ҳисоб бўйича БҲМС қандай бўлиши керак? Ўзларининг амалий фаолиятларида биргаликдаги фаолият ва унинг бухгалтерия ҳисоби муаммоларига эҳтимол тўқнаш келган газетхонларимизнинг фикрларини билишни хоҳлардик.

НЕЧА МАРТА ЖАВОБ БЕРИШ КЕРАК?

? 2007 йилда якка тартибдаги тадбиркорга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 166-моддасининг 1-қисми ва 176-моддасининг 2-қисмига асосан: Ўзбекистонда ва хоризда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноят молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш марказини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотишни амалга оширганлик, шунингдек савдо фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб амалга оширганлик учун жарима солинди ва товарлар давлат фойдасига олиб кўйилди.

Солиқ кодекси 135-моддасининг 2-бандига кўра ана шу тадбиркорга, маъмурий санкциялар билан бир қаторда, молиявий санкцияларни қўллаш тўғрими? Бу бир ҳаракат учун иккиёқлама жазо бўлмайдами?

Т.Ортиқов,
якка тартибдаги тадбиркор.

— Сиз тилга олган ҳуқуқбузарлик 1997 йил 24 апрелдаги 396-1-сон Қонун билан тасдиқланган ва 2008 йил 1 январгача амал қилган Солиқ кодекси амал қилган вақтда содир этилган. Якка тартибдаги тадбиркорни Солиқ кодексининг 135-моддаси бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгар-

ликка тортиш уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиши тўғрисидаги қоида Солиқ кодексида ҳам, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам бўлмаган. Биргина солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун ҳеч ким такроран юридик жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган меъёр

ҳам йўқ эди. Шу сабабли жуда кўп ҳолларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти якка тартибдаги тадбиркорларни солиқ тўғрисидаги ҳамда маъмурий қонунчиликка мувофиқ юридик жавобгарликка тортиш йўлидан борган.

2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган ва 2008 йил 1 январдан амалга киритилган янги Солиқ кодексида 108-модда бўлиб, унга кўра ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Мазкур модда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликни бар-тараф этиши боис, уни сизнинг ҳолатингизда янги Солиқ кодекси 3-моддасининг 2-қисмига кўра Қонун орқага қайтиш кучининг амал қилишига мувофиқ қўллаш мумкин. Бинобарин, агар ҳозиргача сизга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмаган экан, ҳозирги вақтда сизга нисбатан уларни қўллашга ҳақли эмаслар.

Елена ЕРМОХИНА,
«NORMA» МЧЖ эксперт-юристи.

ШУ ТЎҒРИМИ?..

? «Ташкилот ўзи жойлашган шаҳарнинг бошқа туманига кўчганида улгуржи савдога лицензияни янги туманда янгидан олиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмасдан ишлаш лицензиясиз ишлаш ҳисобланади ва тўланган солиқларни чегирган ҳолда бутун даромад миқдорида жарима билан жазоланади (Солиқ кодексининг 117-моддаси), агар бу бир гуруҳ шахслар (айтайлик, директор ва бош бухгалтер) томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, 6 ойгача қамоқ ҳам қўлланилиши мумкин (Жиноят кодекси 190-моддасининг 2-қисми)».

Мазкур таъкид тўғрими?

— Йўқ мазкур таъкид қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас. Кўрсатилган ҳолда лицензияни янгидан олиш шарт эмас, бироқ аввалгисини қайта расмийлаштириш зарур.

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарорига илова, бундан кейин – Низом) 23-бандига мувофиқ лицензиянинг жойлашган жойи (бу почта манзили) ўзгарган тақдирда у бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензияловчи органга мурожаат қилиши шарт. Низомнинг 25-бандига кўра лицензияни қайта расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йўғим ундирилади. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун дав-

лат божи тўланмайди. Таққослаш учун: янги лицензия олиш учун мурожаат қилганда савдо ташкилоти унинг аризаси кўриб чиқилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йўғим (6-банд), шунингдек лицензия олганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божи (7-банд) тўлаши керак.

Низомнинг 24-бандига мувофиқ лицензия лицензия қайта расмийлаштирилгунча қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади. Бинобарин, мазкур даврдаги фаолиятни лицензиясиз амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этиш мумкин эмас ва, тегиш-инча, субъект ҳам, унинг мансабдор шахслари ҳам лицензияланадиган фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун белгиланган жавобгарликка тортилмайдилар.

? «Ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларини бузган ҳолда товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш бугунги кунда 12 519 000 сўмгача миқдорда (ЭКИХнинг 600 баравари) жарима солиш ёки 6 ойгача қамоқ (Жиноят кодекси 189-моддасининг 3-қисми) билан жазоланиши мумкин».

Мазкур таъкид тўғрими?

— Мазкур ҳолда сўз савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш хусусида бормоқда. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 164-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, шунингдек Жиноят кодекси (ЖК)нинг 189-моддасида назарда тутилган.

Маъмурий тартибда корхонанинг айбдор мансабдор шахси куйидагича жазоланади:

кам миқдордаги қиймат билан (ЭКИХнинг 30 бараваригача) дастлаб ёки такроран бузганда – энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 164-моддасининг биринчи қисми);

анча миқдордаги қиймат билан (ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача) дастлаб бузганда – энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима (МЖТК 164-моддасининг иккинчи қисми);

Жиноий тартибда корхонанинг айбдор мансабдор шахси куйидагича жазоланади:

анча миқдордаги қиймат билан (ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача) такроран бузганда (яъни МЖТК 164-моддасининг иккинчи қисми бўйича маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин) – энг кам иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки шахс мазкур жино-

ятни содир этиш пайтида эгаллаган ва савдо ёки тегишли хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ лавозимда беш йилгача савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳа-сида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолаш (ЖК 189-моддасининг биринчи қисми);

йирик миқдордаги қиймат билан (ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача) бузганда, шунингдек миқдоридан қатъи назар хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда – энг кам иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолаш (ЖК 189-моддасининг иккинчи қисми);

кўп миқдордаги қиймат билан (ЭКИХнинг 300 баравари ва ундан юқори) бузганда – энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдордаги жарима ёки олти ойгача қамоқ (ЖК 189-моддасининг учинчи қисми).

Шу тариқа, тақдим этилган ахборотдан кўринадик, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини ҳар қандай бузиш, таъкид-да уқтирилганидек, дарҳол ЖК 189-моддасининг учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка олиб келавермайди.



? «Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш оғир оқибатларга сабаб бўлса, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 186-1-моддасининг 3-қисми) билан жазоланади».

Мазкур таъкид тўғрими?

— Йўқ, келтирилган формулировкадаги таъкид амалдаги қонун ҳужжатларига зиддир.

Биринчидан, Жиноят кодекси (ЖК) 186-1-моддасининг учинчи қисми жиноят предмети сифатида ҳар қандай маҳсулотни эмас, балки фақат этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини назарда тутати.

Иккинчидан, ушбу модданинг мазкур қисми бўйича баҳолаш учун кўрсатилган маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқариш ёки оборотининг миқдори энг кам иш ҳақининг 300 баравари ва ундан юқорини (жуда кўп) ташкил қилиши ёки жиноий ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши лозим. Бу қилмиш етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Учинчидан, мазкур жиноят таркиби мажбурий аломат сифатида оғир оқибатларга сабаб бўлиши назарда тутилмоқда. Бунинг маъноси шуки, айбдор шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 186-1-моддасининг мазкур қисми бўйича, кўрсатилган оқибатларнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар, баҳоланади.

Агар қатъиян «сифатсиз маҳсулот чиқариш» (этил спирти, алкоғолли, тамаки маҳсулотларидан ташқари, чигитдан олинган маҳсулотлар² ҳам) тўғрисида сўзланса, ЖКнинг 186-моддасини тилга олиш ўринли бўлади, унда истезъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлигининг хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш мақсадида ташиш ёки сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун жавобгарлик назарда тутилади. Мазкур модданинг биринчи қисми бўйича айбдор шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Баданга ўртача оғирликдаги ёки оғир шикастлар этказишга олиб келган ўша ҳаракатлар учун мазкур модданинг иккинчи қисми бўйича ЭКИХнинг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Учунчи қисм бўйича кишининг ўлимига сабаб бўлган ўша ҳаракатлар уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Тўртинчи қисм бўйича эса кишиларнинг қурбон бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ўша ҳаракатлар етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бинобарин, ЖКнинг келтирилган учта моддасининг бирортаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш чораларини қўллаш аввало бозорга чиқариладиган маҳсулот турига, шунингдек айбдор шахсларнинг ҳаракатларидаги бир қатор бошқа ҳолатларга боғлиқдир.

«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими.

¹ ЖКнинг 188-моддаси савдо ва воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш учун, ЖКнинг 190-моддаси эса лицензияланадиган фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш учун жавобгарликни назарда тутати.

² Чигитдан олинган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш Жиноят кодексининг 186-2-моддаси бўйича жазоланади.

Солиқ янгиликлари оламида

ҚАЙТА ТЕКШИРУВ ТАҚИҚЛАНАДИ

Россия ФСХ инспекциялари ходимлари, агар бирламчи тафтиш хулосалари суд томонидан нотўғри деб топилган бўлса, компанияда қайта текширув ўтказиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлишлари мумкин.

Конституцион суднинг матбуот хизмати хабар қилишича, жорий йил охирида қолганда у ерда омсклик тижоратчилар ва маҳаллий солиқчилар ўртасидаги келишмовчиликларга доир иш кўриб чиқилади. Унинг моҳияти қуйидагича: ФСХИ жойларда ўтказилган текширув натижаларига кўра фирма бир қатор солиқлар бўйича миллионлаб рублда кўшимча ҳисоблаб ёзишлар билан «сийланди» ва яна жарима ҳам солинди. Компания учта суд инстанциясида ўзининг қонуний иш юритганлигини исботлаб берди. Бу уч қарра мағлубият солиқчиларга кифоя қилиши керак эди, бироқ бундай бўлмади. Кассация вердикти ўқиб эшиттирилганидан кейин бир неча кун ўтгач, Омск вилояти бўйича ФСХ бошқармаси судда мағлуб бўлган ўз ходимлари ишини назорат қилиш тартибида жойларда қайта текширув ўтказишни уюштирди. Компания солиқчиларга жавобан, бундай «иш тутиш» ноқонуний эканлигини тан олиш ҳақидаги даъво билан арбитраж судига мурожаат қилди. Арбитрлар ФСХБ ҳаракатини тўғри деб топди, бундан кейин тадбиркорлар Конституцион судга боришга мажбур бўлишди.

Иш якунланганда ўзига хос янги йил совғаси кимга насиб этаркин – тижоратчиларгами ёки уларнинг «ғоявий» рақибларигами, ҳозирча бу маълум эмас.

ҲИСОБРАҚАМЛАРНИ БЛОКИРОВАЛАШ ТАРТИБИ ТУЗАТИЛАДИ

Россия Молия вазирлигида солиқ тўловчиларнинг ҳисобрақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш таомлига ўзгартиришлар киритиш лозим деб ўйлашапти.

Бу ўзгаришлар Солиқ кодексининг 76-«Ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банклардаги ҳисобрақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш» моддасига дахл қилади. «Ҳужжатлар ва шарҳлар» («Документы и комментарии») журналининг хабар қилишича, молиявий идорада тайёрланган қонун лойиҳасида РФ СКда нафақат солиқлар, балки пеня ва жарималар бўйича қарз юзага келган тақдирда операцияларнинг солиқчилар томонидан тўхтатилиши бевосита қайд этилиши тақдир қилинапти. Бундан ташқари, РФ СКда валюта ҳисобрақамларини блокировкалаш имкониятини ҳам кўриб чиқишмоқчи.

Шу билан бирга Молия вазирлиги солиқ органлари учун ҳам қоидаларни қатъийлаш-тирмоқчи ва айнан куйидагиларни амалга оширмоқчи: ҳисобрақамни блокировкалаш тўғрисида асосланмаган қарор чиқариш ва тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш муддатини бузганлик учун солиқчилар зиммасига масъулиятни юклаш.

Ўз навбатида, РФ Давлат думасида солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ўз билганларича ҳимоя қилишга қарор қилишди. Депутатлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳасида солиқчилар зиммасига ҳар бир қабул қилинган операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорнинг нуқсасини прокуратурага юборишни юклаш тақдир этилапти.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 88-«Камерал солиқ текшируви» моддасига ҳам аниқлаштиришлар киритилади. Ҳозирча қонунда мазкур тафтишнинг уч ойлик муддати ҳисобининг бошланиш санаси аниқ баён қилинмаган: декларация топширилган кундан бошланади, ёхуд ундаги ёзилган маълумотларни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатлар инспекторга тахт қилиб берилган пайддан бошланади. Янги меъёрлар аниқлик киритади – декларация топширилган кун текширувнинг бошланиш куни деб ҳисобланадиган бўлади.

Хорижий матбуот материалларидан.



Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Сотиб олиш масалалари
бўйича қуйидаги
телефонлар орқали
муурожаат қилинг:

Тошкент ш.: (8371) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш. (83672) 27-58-97
Самарқанд ш. (8366) 23-23-73

Наманган ш. (8369) 226-16-70
Фаргона ш. (8373) 222-11-49
Андижон ш. (8374) 277-59-37

МУАММО НКМлар Сонида ЭМАС

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Солиқ инспекцияси томонидан аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш пайтида нақд маблағлар оборотини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши борасида юридик шахс режали текширувдан ўтказилди. Унинг якунлари бўйича хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти давомида фискал хотирасиз назорат-касса машиналарини қўллаганлиги ҳоллари аниқланди. Солиқ органи юридик шахсга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш тўғрисидаги талаб билан хўжалик судига муурожаат қилди.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қондирилди. Апелляция инстанциясининг қарори билан мазкур ҳал қилув қарори бекор қилинган, солиқ органига унинг талабларини қондириш рад этилиши тўғрисида янги қарор қабул қилинган. Олий хўжалик суди суд ҳайъати томонидан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилинган, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бош прокурор ўринбосари томонидан Олий хўжалик суди Раёсатига протест киритилган, унда иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўришга юбориш тўғрисидаги масала қўйилган.

СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Аҳолига хизматлар кўрсатиш давомида хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатлари билан белгиланган техник талабларга мувофиқ келмайдиган назорат-касса машиналари (НКМ)ни қўллаган. Бунинг учун унга ҳар бир НКМ учун ЭКИХнинг 200 баравари миқдорида иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш керак эди. Жариманинг умумий суммаси – 10 млн сўмдан ортиқ.

ЮРИДИК ШАХСНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Ҳар бир назорат-касса машинаси учун субъектга молиявий санкцияларни қўллаш нотўғри бўлади. Қонунда кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар субъектига нисбатан иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш белгиланган ва ҳар бир НКМ бўйича жарима қўлланиши назарда тутилмаган. Шундан келиб чиқиб, ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахс тўлаши керак бўлган жарима суммаси 2 млн сўмдан ошмаслиги керак.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-бандига кўра барча мулкчилик шаклларига мансуб юридик шахслар аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда ўзининг техник параметрларига кўра амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ келадиган назорат-касса машиналарини қўллашлари керак. Чунончи, Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун электрон назорат-касса машиналарига (НКМ) қўйиладиган техник талаблар (АВ томонидан 1995 йил 29 майда 146-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-бўлимнинг иловасига кўра фискал хотирасининг мавжудлиги барча НКМлар учун умумий мажбурий шарт ҳисобланади.

Фискал хотира – ахборотни сақлаш бўйича энергияга боғлиқ бўлмаган, узоқ вақт эслаб қоладиган қурилма бўлиб, НКМнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ҳисобот бериладиган якуний (ҳар кунги, ҳафталик, ойлик) ахборотни рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган, уни ўзгартириш имкони йўқ, НКМ ишлаб чиқарилганида фискал хотирасида қайд этиладиган параметрларга қуйидагилар кириди:

НКМнинг заводдаги ва рўйхатдан ўтказиш рақами, унинг эгасининг идентификация коди ва НКМ бирламчи ишга туширилганда ёки у қайта рўйхатдан ўтказилганда фискал хотирани киритиш санаси. Ҳар куни нақд пул ҳисоб-китоблари амалга оширилганида фискал хотирада сана, ёзувнинг тартиб рақами ва сотувлар бўйича суткалик (сменалик) якун қайд этилиши керак. Фискал хотиранинг конструкцияси унда сақланаётган ахборотдан назоратсиз фойдаланиб бўлмаслигини, шунингдек НКМ ишлашида ҳам, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш пайтида ҳам механик, электромагнит ва бошқа таъсир кўрсатиш турларидан ҳимояланишни таъминлаши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятида фискал хотирасиз ёки унинг яхлитлигини бузган ҳолда НКМдан фойдаланиши ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, бунинг учун уларга нисбатан, хусусан СК ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган иқтисодий жавобгарлик чоралари қўланади. Илгари амал қилган СК (2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сон Қонун таҳририда) 135-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига мувофиқ техник талабларга мувофиқ келмайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, фискал хотира-



СУДНИНГ ҚАРОРИ

Раёсат судьянинг маърузасини, протестни қўллаб-қувватлаган бош прокурор ўринбосарининг фикрини тинглаб, протестдаги асосларни муҳокама қилиб ва иш материалларини ўрганиб, қонун қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

– текширув якунлари бўйича хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятида техник талабларга мувофиқ келмайдиган бешта назорат-касса машинасини қўллаганлиги аниқланган;

– Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 23 майдаги 230-сон) 1-бандига кўра кўрсатилган субъект фойдаланган НКМларнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган техник талабларга, хусусан, НКМда фискал хотира мажбурий тарзда бўлиши тўғрисидаги талабга мувофиқ эмаслиги учун жавобгардир;

– ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 2-бандига кўра (ҳозирги вақтда ўз кучини йўқотган) корхонадан кўрсатилган ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима ундирилиши керак;

– илгари амал қилган Солиқ кодекси (СК) (2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сон Қонун таҳририда) 135-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига кўра жарима юридик шахсга нисбатан, НКМларнинг сонидан қатъи назар, қўлланилиши керак;

– юридик шахсга ЭКИХ 200 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши керак эди. Юқорида баён қилинганлар асосида Раёсат биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш, молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги аризани қисман қондириш, юридик шахсдан ундириладиган жаримани ЭКИХ 200 баравари миқдорида белгилашни зарур деб ҳисоблади.

ШАРҲ

сининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган НКМдан фойдаланганлик учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари, ўша қилмиш тақрор содир этилганида эса – беш юз баравари миқдорида жарима ундирилган. Бунда шунинг ҳисобга олиш лозимки, қонун кўрсатилган миқдорда жаримани техник талабларга мувофиқ келмайдиган ҳар бир НКМ учун эмас, балки умуман содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўллашни белгиланган. Шу тариқа, юқорида кўриб чиқилган низода солиқ органларининг хўжалик юритувчи субъектга нисбатан, қайта ҳисоблашда ЭКИХ 200 бараварининг 5 НКМга кўпайтирилган, 10 млн сўмдан кўпроқ миқдордаги жаримани қўллаш тўғрисидаги талаблари нотўғридир. Ундан фақат ЭКИХнинг 200 бараварини ундириш керак эди.

Ҳозирги вақтда, амалдаги СК 119-моддасининг учинчи қисмига кўра, техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ана шу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда ЭКИХнинг 200 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ҳар бир назорат-касса машинаси учун жарима қўллаш амалдаги қонун ҳужжатларида, илгари ҳам бўлганидек, назарда тутилмаган.

Суд амалиёти «Норма» МЧЖнинг эксперт юридик бўлими томонидан таҳлил қилинган.

Солиқлар оламиди

РОССТАТ ЁРДАМ БЕРАДИ

Россия ФСХ ва Росстат ноҳалол солиқ тўловчиларга қарши курашда ўз кучларини бирлаштиришга қарор қилишди. Статистика ходимлари ва солиқчилар ўртасидаги ўзаро ахборий ҳамкорлик тартиби Федерал солиқ хизмати ва Федерал давлат статистика хизматининг ахборий ҳамкорликини такомиллаштириш тўғрисидаги кўшма буйруғи билан белгиланган.

Унга мувофиқ Росстат солиқчиларга товарлар ишлаб чиқариш ва юклаб жўнатиш ҳақида ахборотларни, шунингдек маҳсулот тайёрлаш ва уни сотиш харажатлари тўғрисида маълумотларни жўнатиб туради. Бундан ташқари, статистика ходимлари назоратчиларга ташкилот ходимларига ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва уларнинг ўртача рўйхат сони ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишади.

ФСХ бунинг эвазига статистик солиқ ҳисоботини ҳамда йил давомида ҳисобот топширмаган солиқ тўловчилар рўйхатини тақдим этади. Бундай ҳамкорликни май ойидан бошлаш режалаштирилган.

Юрисконсултларнинг фикрича, икки идоранинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ФСХнинг солиқ тўламайдиганлардан солиқларни йиғиш бўйича фаолиятига ҳамда йирик ва ўрта корхоналар тўғрисида ҳақиқий маълумотларни оладиган Росстат ходимлари ишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

ТЕКШИРИШГА КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

Москва солиқ бошқармаси қўл остидагиларга ажойиб ҳужжатни тарқатди. Унда бухгалтерия ҳисобида «конверт»даги иш ҳақиқларни қандай излаш кераклиги айтилган. Ушбу мақсадда инспекторларга ходимлар ва ҳисобдорлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларини текшириш айниқса «Касса» ҳисобварағи бўйича ҳаракатни синчковлик билан текширишга кўрсатма берилган.

Ҳужжатда «Пул ҳисоб-китоблари» мавзусида бухгалтерия проводкалари рўйхати, бухгалтерия регистрлари ва бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари билан қисқача бухгалтерия ҳисоби курси берилган.

Солиқчилар натура шаклидаги тўловларни ҳам ёддан чиқаришмади. Айрим компанияларда билмай туриб ёки атайин ҳисоб қоидаларининг бузилишлари ва реализация ҳисобварақларидан фойдаланмасдан бундай тўловларни ўтказишлари ҳам ҳисобга олинган. Бу ҳолда инспекторлар ТМБни ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредити оборотларини текширадилар.

ЭРИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БОШЛОВЧИ ЛОЙИҲА

Белоруссияда июль ойида электрон рақамли имзони жорий қилиш бўйича бошловчи лойиҳа ишга туширилди. Ягона ҳисоб-китоб ахборий макони (ЯХКАМ) доирасида электрон ҳужжат айланишини жорий қилиш билан Миллий банк ва Банк технологиялари маркази шуғулланади.

Амалиётда бу қуйидагича бўлади: ташкилот Марказий банк билан ЯХКАМ раҳбари ва бошқарувчиси бўлган тузилма сифатида шартнома тузиб, қабул қилинган тўловлар ҳақидаги ахборотни электрон файллар кўришидаги, яъни товарлар ва хизматлар тўловини тасдиқловчи далилни олиш имкониятига эга бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳозирча бундай имкониятга эга эмаслар. Мутахассисларнинг фикрича, электрон тизимнинг жорий этилиши қозғоли ҳужжат айланиши ҳажмини қисқартиради. Аҳолига бундай хизмат кўрсатишга келсак, уни 2009 йилда жорий қилиш режалаштирилган.

ЎЗГАРТИРИШЛАР

КЕЙИНГА ҚОЛДИРИЛДИ

Озарбайжон ҳукумати 2008 йилда Солиқ кодексида ўзгартириш киритишдан бош тортишга қарор қилди. Молия вазирлиги вакилининг айтишича, иккала идорада ҳам кодексга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифлар мавжудлигига қарамай, Солиқлар вазирлиги ва Молия вазирлиги бир хил фикр билдириб, охириги марта ўтган йили ноябрда тузатишлар киритилганлигини ҳисобга олган ҳолда, фурсат келишини кутиш ҳамда уларни қўшимча равишда қайта ишлаб чиқиш кераклигини айтишди. Шу боис тузатишлар лойиҳасини 2009 йил майда тақдим этишга қарор қилинди.

Айни вақтда Молия вазирлиги 2010 йилдан бошлаб фойда солиғи ставкасини 22 фоиздан 20 фоизга пасайтириш мумкин деб ҳисоблайди. Ушунда у минтақада рақобатбардош бўла олади. Яқинда Қозғистондаги ҳамкасблар билан ҳам ушбу масала муҳокама қилинди, у ерда фойда солиғи ставкаси энг юқори – 30 фоиздир. Улар ҳам ставкани 20-24 фоизгача пасайтиришни мўлжаллашди. Туркменистонда ҳам ставка 20 фоизни ташкил қилади.

Ҳукумат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун солиқ имтиёзлари даврини 2009 йилдан яна 5 йилга узайтиришни режалаштирмоқда – ҳозирги кунда Озарбайжон фермерлари ер солиғидан ташқари, қолган барча солиқларни тўлашдан озод қилинганлар. Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:**

- «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»;
- «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ:**

- «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида.

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТ:**

- ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

**«НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИING КАФОЛАТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ҚЎШИМЧА ВА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 августда қабул қилинган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 51-сон, 500-модда)

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган **1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-76-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек Фонд маблағларини бошқариш бўйича

Парламент комиссияси тузилади»;

2) **12-модданинг иккинчи қисмидаги, 13-модданинг иккинчи қисмидаги ва 14-модданинг иккинчи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 17 декабрь
ЎРҚ-191-сон.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 18 декабрдаги 244 (4654)-сонидан эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

**«СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 30 октябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, N 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 10, 536-модда; 2007 йил, N 9, 415-модда; 2008 йил, N 4, 192-модда)

куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6¹-модданинг биринчи қисми:** куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин.

«қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаоиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурта-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 23 декабрдаги 247 (4657)-сонидан эълон қилинган.

ловчининг лицензия олиши талаб қилинмайди»;
бешинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегишинча ол-
тинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
2) 10-модданинг иккинчи қисми:
олтинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:
«суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва
бош бухгалтерига кўйиладиган малака талабларини бел-
гилайди»;
қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан
тўлдирилсин;
«суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу
жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурта-
ловчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг
устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдор-

да белгиланган тартибда жарима солади»;
тўққизинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегишинча
ўнинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
3) 12-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган
сўзлар «қонун ҳужжатлари билан» деган сўзлар билан ал-
маштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан
эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2008 йил 22 декабрь
ЎРҚ-192-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

«ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 50-сон, 496-модда)

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавф-
сизлигини таъминлаш, авария ва жароҳат етказилиши
бўйича маълумотларни таҳлил қилиш самарадорлигини
ошириш, авариялар келиб чиқиши сабабларини белги-
лаб берадиган қонуниятлар ва омилларни тадқиқ этиш,
лаб ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва
идентификациялаш, саноат хавфсизлиги экспертизасини
ўтказиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш,
Саноат хавфсизлигини декларациялаш, «Хавфли ишлаб
чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғриси-
да»ги Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳаёти, со-
ғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказ-
ганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фой-
даланаётган ташкилотларнинг жавобгарлигини мажбу-
рий суғурта қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
Қарор қилади:

1. Қуйидагилар:
Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификаци-
ялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;
Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими тўғрисидаги
Низом 2-иловага мувофиқ;
Ўзбекистон Республикасида путур етказмайдиган на-
зорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш кон-
цепцияси 3-иловага мувофиқ;
Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсиз-
лиги декларациясини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги
Низом 4-иловага мувофиқ;
Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган
тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки)
мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик
Учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта
қилиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:
2009 йил 1 июлдан бошлаб хавфли ишлаб чиқариш
объектининг лойиҳа ҳужжатлари саноат хавфсизлиги экс-
пертизасининг ижобий хулосаси «Давархитектқурилишна-
зорат» бошқармаси органларида қурилиш объектларини
рўйхатдан ўтказишда ва қурилиш-монтаж ишларини бош-
лашга руҳсат беришда мажбурий ҳужжат ҳисобланади;
саноат хавфсизлиги экспертизаси аккредитация
қилинган эксперт ташкилоти билан хавфли ишлаб чиқа-
риш объектдан фойдаланаётган (фойдаланишни мўлжал-
лаётган) ташкилот ўртасидаги шартнома асосида амалга
оширилади;
Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш муддати

саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва
норматив техник ҳужжатларга мувофиқ зарур материал-
лар ва ҳужжатлар туркуми олинган пайтдан бошлаб
ҳамда экспертиза ўтказишнинг бошқа барча шартлари
бажарилгач 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

3. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси:
саноат хавфсизлиги экспертизаси тизимини жорий
этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини, са-
ноат хавфсизлиги соҳасида фаолиятни амалга оширадиган
мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни
таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия ва-
зирлиги билан келишган ҳолда эксперт ташкилотлари
аккредитациядан ўтказилганлиги ва улар фаолияти усти-
дан назорат йўсинидаги текширув ўтказилганлиги учун
ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсин;

уч ой муддатда саноат хавфсизлиги экспертизасини
амалга ошириш, саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт
ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш, аккредитаци-
ядан ўтказилган эксперт ташкилотлари фаолияти усти-
дан назорат йўсинидаги текширув ўтказиш қоидалари,
хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган
ташкилотлар ходимларини тайёргарликдан ва аттестаци-
ядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек
саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошираётган
эксперт ташкилотларига ва саноат хавфсизлиги экспер-
тизаси хулосаларини расмийлаштиришга қўйиладиган
талаблар белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва
тасдиқланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага
мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда саноат
хавфсизлиги масалаларини тартибга соладиган идора-
вий ҳужжатларни хатловдан ўтказсинлар ва уларни ушбу
қарорга мувофиқлаштирадилар ҳамда белгиланган тар-
тибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
рўйхатдан ўтказсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
Э.Р.Шаисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 10 декабрь
271-сон.

**ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ****I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби, принциплари ва шартларини белгилайди.

2. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш хавфли ишлаб чиқариш объектларини Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида амалга оширилади.

3. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш sanoat хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот ёки эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш фақат эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин.

4. Идентификациялаш объектларни Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

5. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўғрилиги учун жавобгарлик идентификациялашни амалга оширадиган ташкилотга юкланади.

**II. УШБУ НИЗОМДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ТЕРМИНЛАР ВА ТАЪРИФЛАР**

Авария — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши.

Буюртмачи — экспертиза ўтказиш учун буюртма билан муурожаат қилган ташкилот.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш — хавфли ишлаб чиқариш объектларини хавфли ишлаб чиқариш объектлари сифатида эътироф этиш мақсадида хавфли ишлаб чиқариш объектлари белгилари жамини аниқлаш (белгилаш) ва кейинчалик Хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестрида ҳисобга олиш, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартиб-қоидаси.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификация варақаси — хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек улардан фойдаланаётган ташкилотларнинг белгилари, типи ва реквизитлари жамини акс эттирадиган ҳужжат.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари типи — хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфли моддалар категорияси мавжудлиги асосида ушбу хавфли ишлаб чиқариш объектларининг хавфлилиги даражасини белгиладиган хавфли ишлаб чиқариш объекти тавсифи.

Объектнинг хавфлилиги белгилари — «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 1 — 5-бандларига мувофиқ объектада хавфли моддалар (мавжуд-

лигича), хавф юқори бўлган техника қурилмаларидан фойдаланилишига ва ишлар олиб борилишига эътиборни қаратиш.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги — хавфли ишлаб чиқариш объектларида шахс ва жамиятнинг авариялар ва нохуш ҳодисалардан ва уларнинг оқибатларидан ҳаётини муҳим манфаатлари ҳимояланганлиги ҳолати.

Sanoat хавфсизлиги экспертизаси — экспертиза объектларининг унга қўйиладиган sanoat хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

Эксперт ташкилоти — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, sanoat хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган ташкилот.

**III. ОБЪЕКТЛАРНИ ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОБЪЕКТЛАРИ КАТЕГОРИЯСИ ВА ТИПЛАРИГА
КИРИТИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ**

6. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига қуйидаги хавфли моддалар:

1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;

тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;

муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;

инсон соғлиги ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларида) фойдаланиладиган;

4) қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

7. Объектни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритиш объектнинг хавфлилиги белгиларини аниқлаш асосида уни идентификациялаш жараёнида амалга оширилади.

Объектни ушбу Низомнинг 6-банди 2 ва 3-кичик бандларида назарда тутилган белгилар бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритишда хавфсизликнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ҳам «Sanoat-контехназорат» давлат инспекциясида рўйхатдан ўтказиладиган, ҳам рўйхатдан ўтказилмайдиган техника қурилмалари ва иншоотлар ҳисобга олинадиган.

8. Хавфлилик даражаси бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари қуйидаги типларга бўлинади:

биринчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — ушбу Низомга 2-илованинг 1 ва 2-жадвалларида кўрсатилган миқдорда, уларнинг чекланган меъёрига тенг бўлган ёки ундан ортиқ бўлган хавфли моддалар фойдаланилади-

ган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган юқори хавфлилик даражасидаги объектлар;

иккинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — биринчи типга тегишли бўлмаган, ушбу Низомга илованинг 1 ва 2-жадвалларида кўрсатилган миқдорда, уларнинг чекланган меъеридан кам бўлган хавфли моддалар фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган объектлар;

учинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектлари — объектларнинг биринчи ва иккинчи типларига тегишли бўлмаган, ушбу Низомнинг 6-банди 2 — 5-кичик бандларида кўрсатилган хавфлилик белгиларига эга бўлган объектлар.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари типи хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашда аниқланади.

9. Биринчи ва иккинчи типдаги хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш қуйидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширади:

2-илованинг 1-жадвалида кўрсатилмаган хавфли моддалар учун 2-илованинг 2-жадвали моддалари қўлланилади;

агар хавфли ишлаб чиқариш объектлари ўртасидаги масофа 500 метрдан камни ташкил этса, хавфли модданинг жами миқдори ҳисобга олинади;

агар айна бир категориядаги хавфли моддаларнинг бир нечта турлари қўлланилса, уларнинг жами бошланғич (чекланган) миқдори

$$\sum_{i=1}^n m(i)/M(i) > 1$$

шарти билан аниқланади,

бунда $m(i)$ — қўлланиладиган модда миқдори;

$M(i)$ — барча 1 дан n гача i учун 2-илованинг 1 ва 2-жадвалларига мувофиқ айна бир модданинг бошланғич (чекланган миқдори).

IV. ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

10. Қуйидагилар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган асосий принциплар ҳисобланади:

- зоналаштириш принципи;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тўлиқлиги ва ишончилиги принципи;
- мустақиллик принципи;
- камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи.

11. Зоналаштириш принципи тегишли технологик жараёнлар амалга ошириладиган ишлаб чиқариш майдончалари (ёки) ишлаб чиқариш биноларининг бирлаштирувчи мезони сифатида ажратиб кўрсатиш йўли билан хавфли ишлаб

чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилотлар таркибида барча хавфли ишлаб чиқариш объектларини аниқлашни англатади.

Қоидага кўра, хавфли ишлаб чиқариш объекти сифатида битта ишлаб чиқариш майдончасида жойлашган корхонани ажратиб кўрсатиш тавсия қилинади. Агар корхона бир-биридан 500 метрдан ортиқ масофада жойлашган бир нечта ишлаб чиқариш майдончаларида жойлашган тақдирда, майдончаларнинг ҳар бири алоҳида хавфли ишлаб чиқариш объекти сифатида қаралади.

12. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялашнинг тўлиқлиги ва ишончилиги принципи хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланаётган ташкилот таркибида ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объектнинг хавфи ва типининг барча белгилари аниқланишини ва саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасида акс эттирилишини англатади.

13. Мустақиллик принципи хавфли ишлаб чиқариш объектнинг бир типи учун характерли бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларига эга бўлган объект учун энг кам суғурта суммаси миқдори кўрсатиб ўтилган белгилар сонига боғлиқ бўлмаслигини англатади.

14. Камроқ хавфли типнинг хавфлироқ тип билан ютилиши принципи агар объект турли типларга мансуб бўлган хавфлиликнинг бир неча белгиларга эга бўлса, у ҳолда энг хавфли типга мансублигини англатади.

V. ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ

15. Идентификация варақаси ҳар бир хавфли ишлаб чиқариш объекти учун ушбу Низомга 1-иловада келтирилган шакл бўйича тўлдирилади.

16. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида хавфли ишлаб чиқариш объектини идентификациялаш буюртмачи билан эксперт ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

17. Идентификациялашни ўтказиш муддатлари, қоидага кўра, экспертиза объектнинг мураккаблиги билан белгиланади, бироқ экспертиза бошланган пайтдан бошлаб 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Саноат хавфсизлиги экспертизаси доирасида идентификациялаш натижалари хавфли ишлаб чиқариш объектнинг идентификация варақаси шаклида расмийлаштирилади ва ушбу варақа саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасига илова қилинади.

19. Саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби ва экспертиза хулосасини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

20. Саноат хавфсизлиги экспертизасининг қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган хулосаси белгиланган тартибда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

ХАВФЛИ МОДДАЛАР СОНИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МЕЪЁРЛАРИ

1-жадвал

Хавфли модданинг номи	Чекланган меъёр, тонна
Аммиак	500
Аммоний нитрат (таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортигини ташкил этадиган аммоний нитрат ва аммоний аралашмаси, шунингдек аммоний нитрат концентрацияси массанинг 90 фоизидан ортиқ бўлган аммоний нитратнинг сувли эритмалари)	2500
Ўғит шаклидаги аммоний нитрат (аммоний нитрат асосидаги оддий ўғитлар, шунингдек таркибидаги аммоний нитратдан ҳосил бўлган азот массанинг 28 фоизидан ортигини ташкил этадиган мураккаб ўғитлар (мураккаб ўғитлар таркибида аммоний нитрат фосфат ва (ёки) калий билан биргаликда мавжуд бўлади)	10 000
Акрилонитрил	200
Хлор	25
Этилен оксиди	50
Цианли водород	20

Хавfli модданинг номи	Чекланган меъёр, тонна
Фторли водород	50
Олтингугуртли водород	50
Олтингугурт диоксиди	250
Олтингугурт триоксиди	75
Кўрғошин алкили	50
Фосген	0,75
Метилизоцианат	0,15

2-жадвал

Хавfli моддалар турлари	Чекланган меъёр, тонна
Алангаланадиган газлар	200
Товар-хом ашё омборлари ва базалардаги ёнадиган суюқликлар	50 000
Технологик жараёнда фойдаланиладиган ёки магистраль қувурлар билан узатиладиган ёнадиган суюқликлар	200
Заҳарли моддалар	200
Юқори заҳарли моддалар	20
Оксидланадиган моддалар	200
Портловчи моддалар	50
Атроф табиий муҳит учун хавф туғдирадиган моддалар	200

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
5-ИЛОВА

**ХАВFLИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИДА АВАРИЯ ЮЗ БЕРГАН
ТАҚДИРДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИҒИ ВА (ЁКИ) МОЛ-МУЛКИГА ҲАМДА АТРОФ
МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Хавfli ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ фаолияти хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи билан боғлиқ бўлган ташкилотлар, хавfli ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

суғурта ҳодисаси — хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти;

авария — иншоотлар ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш объектларида қўлланадиган техника қурилмаларининг бузилиши, суғурта шартномаси амал қиладиган даврда рўй берган назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавfli моддалар ажралиб чиқиши;

хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси — ушбу Низомда назарда тутилган суғурта ҳолати юз берганда суғурталовчи шартномада белгиланган тўловни (суғурта мукофотини) жабрланганга ушбу суғурта ҳолати оқибатида етказилган зарарни суғурта шартномасида белгиланган суғурта суммаси миқдоридан тўлаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

суғурта ҳолати тўғрисидаги далолатнома — суғурта ҳолати юз берган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурталанувчи ёки унинг вакили иштирокида тузиладиган ҳужжат, у авария содир бўлган вақт, жой ва унинг сабаби

тўғрисидаги ахборотлардан, бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори, шунингдек зарарни камайтириш мақсадида суғурталанувчи томонидан қилинган харажатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади;

3. Махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган лицензияга мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга ҳақли бўлган суғурта ташкилотлари суғурталовчилар бўлиши мумкин.

4. Хавfli ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар суғурталанувчилар бўлиши мумкин.

5. Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига, атроф муҳитга зарар етказганлик учун даъво билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (жисмоний шахс, юридик шахс ёки давлат) бошқа шахслар ҳисобланадилар.

**II. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА
ҚИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ**

6. Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарарни фойдаланувчи-суғурта қилинувчи томонидан қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган суғурталанувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

7. Суғурталанувчининг куйидагилар оқибатида пайдо бўлган фуқаролик жавобгарлиги суғурта ҳолати деб эътироф этилмайди:

а) ядровий портлаш, радиация, радиоактив зарарланиш, агар улар ушбу ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

б) ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, қуролли тузилмалар ёки террорчиларнинг ҳаракатлари;

в) оммавий тартибсизликлар, бошқа фуқаролар бўйсунмаслигининг жамоавий ҳолатлари, иш ташлашлар;

г) енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг таъсири; табиий офатлар, стихияли тусдаги табиат ҳодисалари;

д) хавfli ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши;

е) қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

III. СУҒУРТА СУММАСИ

8. Хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун хавfli ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта қилишнинг энг кам миқдори хавfli ишлаб чиқариш объектининг тегишли тури учун ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

IV. СУҒУРТА МУКОФОТИ

9. Суғура мукофоти суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкаларидан ва шартномада белгиланган суғурта суммаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

10. Тариф ставкалари ишлаб чиқариш шароитлари ва ҳажмларини, хавfli ишлаб чиқариш объекти жойлашган жойни, ундан фойдаланишнинг бошқа омилларини, объектда хавfli моддаларни муайян ҳажмларда олиш, ундан фойдаланиш, уни қайта ишлаш ва сақлашни, суғурта таваккалчилиги даражасини ва суғурта объектининг бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғурталовчи томонидан белгиланади.

11. Суғурта шартномасини тузишда суғурталанувчи суғурта мукофотини бирйўла ёки тенг қисмлар билан ҳар чоракда (суғурта бадаллари) тўлайди.

V. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ

12. Суғурта шартномаси суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан белгиланган шаклга мувофиқ расмийлаштирилган ёзма аризаси асосида расмийлаштирилади. Суғурталанувчи аризада суғурталовчи томонидан қўйилган масалаларга мувофиқ аниқ ва тўлиқ маълумотларни кўрсатиши шарт.

Суғурта тўғрисидаги аризага суғурталанувчи, жумладан, саноат хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи талабларидан, суғурталанувчи томонидан фойдаланиладиган хавfli ишлаб чиқариш объектининг идентификациясидан иборат бўлган саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасини илова қилади.

13. Суғурталанувчи суғурта шартномасини тузиш учун тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавоб беради.

VI. СУҒУРТАЛОВЧИ ВА СУҒУРТАЛАНУВЧИНING ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

14. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта шартномасини тузишда суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш мақсадида ўз ҳисобидан суғурта объектининг мустақил экспертизасини амалга ошириш;

б) шартнома тузишда ва суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта таваккалчилигини баҳолаш;

в) етказилган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида қўшимча текширишлар ўтказиш;

г) ваколатли органлардан зарар етказилганлиги сабабли авариянинг техник жиҳатдан текшириш материалларини, ахборот ва ҳужжатларни, тиббий хулосаларни, йўқотилган (шикастланган) мол-мулк қиймати, амалга оширилган ишлар қиймати тўғрисида фикрга эга бўлиш имконини берадиган счётларни, шунингдек бошқа зарур материалларни сўраш ва олиш;

д) суғурталанувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шар-

тларининг суғурталанувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;

е) суғурталанувчидан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини талаб қилиш.

15. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурталанувчи томонидан суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш тадбирлари амалга оширилган тақдирда, суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш даражасини ҳисобга олган ҳолда суғурталанувчининг аризаси бўйича суғурта шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш;

б) зарарларни камайтириш мақсадида суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан қопланиши керак бўлган харажатларини тўлаш, агар бундай харажатлар суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган бўлса ёки амалга оширилган бўлса. Кўрсатиб ўтилган харажатларни тўлаш суғурталовчи томонидан у тегишли харажатлар тўғрисидаги далолатномани олган санадан бошлаб бир ой мобайнида, бироқ суғурта тўлови (суғурта суммаси) тўлангандан кейин амалга оширилади. Бундай харажатлар, ҳатто агар тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлганда ҳам ва суғурта шартномаси бўйича бошқа зарарларни тўлаш билан бирга улар шартномада белгиланган суғурта суммасидан ортиқ (бирок 20 фоиздан ортиқ эмас) бўлганда ҳам тўланади;

в) суғурталанувчининг мулкий аҳволи, хавfli ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишнинг ҳолати, шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ равишда маълум бўлиб қолган бошқа махфий ахборотни ошкор қилмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

16. Суғурталанувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта ҳолатини текширишда қатнашиш;

б) суғурта ҳолатларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

в) суғурталовчидан хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

г) хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

17. Суғурталанувчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчига суғурта шартномасини тузишда, хабар қилинган ўзига маълум бўлган жиддий ўзгаришлар ва ҳолатлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиш;

б) суғурталовчига хавfli ишлаб чиқариш объектида содир бўлган ҳар қандай авария тўғрисида, шунингдек бошқа шахслар томонидан суғурталанувчига ўзларининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга етказилган зарарни тўлаш тўғрисида даъво билдиришга олиб келиши мумкин бўлган авариянинг ҳар қандай оқибатлари тўғрисида, бошқа шахсларнинг зарарни тўлатиш тўғрисидаги барча эътирозлари ва даъволари ҳақида хабар қилиш, авариянинг ҳолати ва сабабларини тавсифловчи барча ҳужжатларни тақдим этиш;

в) тегишли суд қарори олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурталовчига суд қарори билан белгиланган хавfli ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти тўғрисида хабар қилиш;

г) авария содир бўлганда, бўлиши мумкин бўлган за-

рарларни камайтириш учун вужудга келган ҳолатларда оқилона ва қулай чоралар кўриш. Суғурталанувчи бундай чораларни кўраётганда, агар улар суғурталанувчига хабар қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши керак;

д) суғурталовчининг олдиндан розилигини олмасдан бошқа шахслар томонидан билдирилган талабларни бажариш бўйича бирон-бир мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик.

18. Суғурта шартномасида томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

19. Суғурталанувчи ва суғурталовчи томонидан ушбу Низом қоидалари бузилган тақдирда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

VII. БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

20. Бошқа шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича суғурта тўлови олиш;

б) суғурта ҳодисасини текширишда қатнашиш;

в) суғурта ҳодисаларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

г) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

д) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

21. Бошқа шахслар қуйидагиларга мажбур:

а) махсус органлар томонидан берилган хавфли ишлаб чиқариш объектида авария оқибатида зарар кўрилганлиги ва унинг миқдорини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

б) суғурталовчига унинг (суғурталовчининг) томонидан бошланган суғурта ҳодисасини мустақил экспертизадан ўтказишда кўмаклашиш.

22. Бошқа шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятлар олиши ҳам мумкин.

VIII. СУГУРТА ТОВОНИ (СУГУРТА ПУЛИ)НИ ТЎЛАШ

23. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда суғурталанувчи суғурталовчини авария содир бўлиши натижасида:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига;

б) бошқа шахсларнинг мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилганда, хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган вақтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилади.

24. Суғурта қоплови (суғурта пули)ни тўлаш миқдори суғурталовчи томонидан авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси, суд қарорлари ва суғурта ҳодисаси бошланишининг сабаблари ва ҳолатлари, шу жумладан бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори кўрсатилган бошқа материаллар асосида белгиланади.

25. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш томонлар имзолаган ва суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади.

26. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта шартномасида кўрсатилган белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

Агар битта суғурта шартномаси бўйича уларга нисбатан турлича суғурта пули белгиланган бир неча хавфли ишлаб чиқариш объекти суғурта қилинган бўлса, у ҳолда муайян суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш авария содир бўлган хавфли ишлаб чиқариш объекти бўйича белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

27. Суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар қопланмайди:

а) маънавий зарар;

б) суғурталанувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга, улар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан шартнома (контракт)га мувофиқ меҳнат мажбуриятларини бажараётганда етказилган зарар;

в) суғурталанувчи мулкӣ ҳуқуққа, хўжалик юритуви ҳуқуқига ёки тезкор бошқариш ҳуқуқига ёхуд бошқача қонуний асосда (ижара ҳуқуқида, сақлаш шартномаси бўйича, ишончнома бўйича, мулкни унга бериш тўғрисидаги тегишли органнинг фармойишига ва шу кабиларга кўра) унга тегишли бўлган мол-мулкка етказилган зарар;

г) суғурталанувчининг неустойка (жарима, пеня) тўлаш, унинг кафолатли ва шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариши, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрган зарарлари;

д) йўқотилган фойда.

28. Суғурта товони (суғурта пули) бевосита зарар кўрганга тўланади. Ушбу Низомнинг 15-банди «б» кичик бандида назарда тутилган харажатлар суғурталанувчига тўланади.

29. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида амалга оширилади.

30. Суд қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинган (рад этилган) тақдирда суғурталовчи суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишни, агар дастлабки қарор бўйича ижобий ёки салбий ҳулоса чиқариш мумкин бўлмаса, суднинг узил-кесил қарори қабул қилинадиган вақтгача кечиктириши мумкин.

31. Етказилган зарар шунингдек бошқа шахслар томонидан қопланадиган ҳолларда суғурталовчи фақат суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта товони (суғурта пули) ва бошқа шахслар томонидан қопланадиган пул ўртасидаги тафовутни тўлайди. Суғурталанувчи суғурталовчини зарарни жабрланганга қоплаш учун бошқа шахслар томонидан амалга оширилган — ўзига маълум бўлган тўловлар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

32. Суғурталанувчи суд қарорини ижро этиш асосида унга нисбатан суғурта шартномаси тузилган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаган тақдирда суғурталовчи суғурталанувчига суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни у амалга оширган зарар товони доирасида, лекин суғурта шартномаси бўйича белгиланган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширади.

33. Суғурталовчининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни рад этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатлари ва шартнома билан белгиланади.

34. Суғурталанувчининг зарарни тўлаш (суброгация) юзасидан талаб қилиш ҳуқуқининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаган суғурталовчига ўтиши қонун ҳужжатлари ва шартнома билан тартибга солинади.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

35. Суғурта шартномаси бўйича пайдо бўладиган низолар суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоли масалалар бўйича келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда уларни ҳал этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судига кўриб чиқиш учун берилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИДА АВАРИЯ СОДИР БЎЛГАН ТАҚДИРДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИГИ ВА (ЁКИ) МОЛ-МУЛКИГА ҲАМДА АТРОФ МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАНЛИГИ УЧУН ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА СУҒУРТА СУММАЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРЛАРИ

Хавфли ишлаб чиқариш объектининг тури	Суғурта пулининг энг кам миқдори (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларида)
Биринчи	250 000 (икки юз эллик минг)
Иккинчи	50 000 (эллик минг)
Учинчи	10 000 (ўн минг)

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари учун суғурта пулининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида суғурта шартномаси тузилган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига
6-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 509-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги «в¹» кичик банди қўшилсин:

«в¹) лойиҳа ҳужжатларига саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси — хавфли ишлаб чиқариш объектлари бўйича».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда

ишларнинг беҳатар, олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 11-бандига қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда тайёрланган саноат хавфсизлиги экспертизаси хулосасини белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этиш;

саноат хавфсизлиги соҳасида экспертиза ва аккредитациядан ўтказиш бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда белгиланган тартибда эксперт гувоҳномасини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш»;

ўнинчи — йигирманчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

2009 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 51-сон, 506-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 169-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари — 2008 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

3. 2009 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси-

нинг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2007 йил 15 декабрь, рўйхат рақами 1748 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 529-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 21 июлдаги 3-сонли «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (2008 йил 16 август, рўйхат рақами 1748-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 339-модда).

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

Давлат статистика
қўмитаси раиси
Ф.ҚУДРАТОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 10 ноябрь
4-сон.

*2008 йил 23 декабрдан кучга киради.

ЖАЗО ҲАМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРАБ

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

2006 йилда солиқ органи акциядорлик жамиятини текширди. Унинг натижалари бўйича АЖни молиявий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилинди. АЖ молиявий жазо суммасини ихтиёрий тартибда тўламади ва давлат органи хўжалик судига 80,5 млн сўмни ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қисман қондирилди, корхонадан 80 млн сўм ундирилди. Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилди, АЖга нисбатан эса 40 млн сўм миқдорда молиявий жазо қўлланди. Чиқарилган суд ҳужжатларига қўшилган АЖ Олий ҳўжалик судига илгари қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ва аризани қарамасдан қолдириш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Текширув давомида солиқ органи томонидан куйидагилар аниқланди:

- ҳисобварақ-фактуралар нотўғри расмийлаштирилиб, буюртмачининг реквизитлари кўрсатилмаган;
- учинчи шахс АЖ олдида бошқа субъектда вужудга келган қарзни узган, бу эса Президентнинг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» Фармонининг (1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон, бундан кейин – ПФ-1504-сон Фармон) 5-бандига кўра даромадни яшириш сифатида баҳоланади. Солиқ кодекси (СК) 135-моддаси биринчи қисмининг 3-банди билан (1997 йил 24 апрелдаги 396-1-сон Қонун тахририда, бундан кейин – 396-1-сон Қонун) мазкур ҳуқуқбузарлик учун яширилган даромад суммаси ва шунча миқдорда жарима ундирилиши кераклиги назарда тутилган.
- Демак, АЖга нисбатан арз қилинган ҳажмда молиявий жазо қўлланилиши керак.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Акциядорлик жамияти хўжалик юритувчи субъект билан пудрат шартномаси тузган. Унга доир мажбуриятни бажариш давомида субъектда АЖ олдида 40 млн сўм миқдорда қарз вужудга келган. Кўрсатилган сумма қарзни ўтказиш тўғрисидаги битим асосида бошқа корхона томонидан узилган. Тўланган қарз суммасини АЖ ялпи тушум таркибига киритган, ундан солиқлар тўланган. Демак, олинган даромад яширилмаган эди ва бу борада молиявий жазо қўллаш асоссиздир.

Солиқ қонунчилигида ҳисобварақ-фактураларда буюртмачининг реквизитларини кўрсатмаганлик учун АЖнинг жавобгарлиги назарда тутилмаган.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, куйидагиларни аниқлади:

- АЖ (пудратчи) ва хўжалик юритувчи-субъект (буюртмачи) ўртасида ишлар бажарилиши тўғрисида шартнома тузилган. Пудратчи ўз мажбуриятларини бажарган, бироқ субъект ҳақ тўламаган. Натижада субъектда АЖ олдида қарз ҳосил бўлган;
- кейинроқ хўжалик юритувчи субъект билан бошқа корхона ўртасида қарзни ўтказиш тўғрисида битим тузилган, унга асосан корхона АЖга у бажарган ишлар қийматини тўлаб, бу билан хўжалик юритувчи субъектнинг қарзини узган;
- хўжалик юритувчи субъект корхонанинг филиали ҳисобланган;
- АЖнинг қарзни узиш ҳисобига олинган пул маблағларидан солиқларни тўлаш далили тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган.
- Кассация ҳайъати нисбани кўриш пайтида амал қилган қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиб, куйидагиларни аниқлади:
- Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 47-моддасига кўра филиал юридик шахс ҳисобланмайди, шу сабабли у тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бош корхонада вужудга келган. Бинобарин, тарафлар қарзни ўтказиш тўғрисида битим тузмасликлари мумкин эди, чунки корхона ўз бўлинмаси учун қарз суммасини тўлашга ҳақлидир;
- бундай битимни тузиш ПФ-1504-сон Фармоннинг 5-бандини қўллашни истисно этган, чунки мазкур ҳолда учинчи шахс мавжуд бўлмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ва Хўжалик процесуал кодекси (ХПК)нинг 187, 188 ва 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати тушумни яширганлик учун молиявий жазо қўллаш қисмида илгари чиқарилган суд ҳужжатларини бекор қилиш, ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлик учун молиявий жазони қўллашни рад этиш қисмида суд ҳужжатларини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.


МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (ҳозирги вақтда ўз кучини йўқотган) 2-иловланинг «Ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш пайтида ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш» бўлимининг биринчи хатбошисига кўра ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш билан шуғулланган корхоналар, белгиланган шаклга мувофиқ ҳисобварақ-фактураларни ёзишда ишлар (хизматлар) ижрочиси ҳамда буюртмачи сифатида барча реквизитлар тўлдиришлари керак эди**. Шу тариқа, буюртмачининг реквизитларини кўрсатмаслик ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш тартибини бузиш ҳисобланган.

Ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда СК 135-моддаси биринчи қисмининг 10-банди (2001 йил 12 майдаги 220-II-сон Қонун тахририда) амал қилган, унда солиқ тўловчининг реквизитларини кўрсатмаган ёки нотўғри кўрсатган тақдирда юридик шахсга нисбатан ҳар бир нотўғри тузилган ҳужжат учун энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорда жарима жазосини қўллаш назарда тутилган. Кейинроқ, иш судда кўрилатган пайтда, 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонун (бундан кейин – ЎРҚ-59-сон Қонун) қабул қилинди, унга кўра мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чиқариб ташланди ва СК 135-моддаси биринчи қисми 7-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ (кўрсатилган Қонун тахририда) ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини бузганлик учун молиявий жазо фақат бу солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар келиб тушмаган тақдирдагина қўлланилган. Бироқ агар ишларни бажарганлик учун келиб тушган пул маблағлари суммасидан солиқлар тўланганлигини тасдиқлайдиган далиллар мавжуд бўлса, юқорида кўрсатилган банд асосида хўжалик юритувчи субъектга нисбатан молиявий жазо қўллаш нотўғридир. Буни тўлов топшириқномалари, солиштириш далолатномалари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва солиқлар ҳисоблаб чиқарилганлиги ҳамда тўланганлигидан, шунингдек улар бўйича қарзнинг йўқлигидан гувоҳлик берадиган бошқа ҳужжатлар билан исботлаш мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш пайтида СКнинг 3-моддасига (396-1-сон Қонун тахририда) асосан

Қонуннинг орқага қайтиш кучини қўллади. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузганлик учун тўланадиган молиявий жазони ундириш масаласини ҳал қилиш пайтида у СК 135-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига (ЎРҚ-59-сон Қонун тахририда) амал қилди ва субъектни жавобгарликдан озод қилди***.

Олий суд Пленумининг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» қарори (2003 йил 6 июндаги 6-сон) 3-бандининг иккинчи хатбошисига кўра куйидагилар юридик шахслар томонидан даромад қасддан яширилиши аломатлари ҳисобланади: – ҳужжатларни қалбакилаштириш (ўчириш, ноқонуний тузатиш);



- сохта бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган моддий харажатларни ҳисобдан чиқариш;
- корхонада ишламайдиган, бироқ штатда ҳисобда турган шахсларга иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш;
- реализациядан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга кўчириш (реализация қилиш ва даромад (фойда) ҳажмини қасддан камайтириш);
- моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириши) миқдорини сунъий равишда ошириш ёки нормативлари (лимитлари)ни нотўғри қўллаш;
- ҳужжатларни йўқ қилиш ёки уларни тақдим этишдан бўйин товлаш;
- тегишли тарзда бухгалтерия

ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган маҳсулот (товарлар)ни сотиш;

– давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобда турмасдан хўжалик фаолиятини юритиш ва ҳоказо.

Бунда шахсни даромадни яширганлик учун жавобгарликка тортиш учун шулардан лоақал биттаси бўлиши зарурлигини назарда тутиш лозим.

Ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда даромадни яширганлик учун жавобгарлик СК 135-моддаси биринчи қисмининг 3-банди билан (396-1-сон Қонун тахририда) белгиланган, унда яширилган даромаднинг бутун суммаси ва шунча миқдорда жаримани давлат бюджетига ундириш назарда тутилган. 2006 йил октябрида, иш судда кўрилатганида ЎРҚ-59-сон Қонун қабул қилинган, унга кўра мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик СК 135-моддаси биринчи қисмининг 2-банди билан белгиланган ва бюджетга фақат яширилган даромад суммаси ундирилиши керак эди. Суд бу ҳолда ҳам Қонуннинг орқага қайтиш кучини қўллади ва субъектдан фақат яширилган даромад суммаси ундирилди****.

ПФ-1504-сон Фармоннинг 5-бандига кўра учинчи шахслар билан етказиб берилган маҳсулот учун тўловларни ҳисобга киритишга йўналтирилган ҳаракатлар ҳам даромадни яшириш сифатида баҳоланади. Пул маблағлари, мазкур банднинг мазмунидан келиб чиқишича, етказиб берилган маҳсулот учун бевосита етказиб берувчининг ҳисобварағига келиб тушиши керак. Харидорнинг учинчи шахслар билан бир турдаги муқобил талабларни ҳисобга киритиш, талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш, етказиб берилган маҳсулот учун пул маблағларини тўлаш бўйича қарзни ўтказиш тўғрисидаги ва бошқа шу сингари битимлар тузиши даромадни яшириш ҳисобланмайди, чунки:

- мажбуриятларни бекор қилиш муқобил талабларни ҳисобга киритиш тўғрисида битим тузишнинг оқибати ҳисобланади. Бунда битим иштирокчиларини алмашмайди;
- кредиторнинг розилиги билан қарз ўтказилганида мажбуриятда қарздор алмашади ва янги қарздор мажбуриятга тараф сифатида қаради;
- талаб қилиш ҳуқуқи учинчи шахсга берилганида мажбуриятлар ўзгармай қолади, бироқ кредитор алмашади. Янги кредитор ҳам мажбуриятда тараф ҳисобланади.

Шу тариқа, фуқаролик-ҳуқуқий тусидаги шу сингари битимларни тузиш битимда тарафлар бўлиб ҳисобланмаган учинчи шахслар учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди.

Товар етказиб берилгани учун ўз филиали ўрнига корхонанинг пул маблағларини тўлаши ҳам даромадни яшириш ҳисобланмайди, чунки филиал, ФКнинг 47-моддасига кўра, мустақил юридик шахс бўлмаганлиги боис фақат бош корхона функцияларининг бир қисмини бажаради, унинг номидан иш юритади ҳамда у тузган битимлар корхонанинг ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Ушбу ҳолда шахслар алмашмайди ва мажбуриятнинг ўзи ўзгармайди, бу эса қонунчиликка зид эмас.


Суд амалиёти «Норма» МЧЖнинг эксперт юридик бўлими томонидан таҳлил қилинган.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

ТЕКШИРИШЛАР:
А дан Я гача
